ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

НЕГМАТОВА СУРАЙЁ ТЕШАЕВНА

ТАҚИРСИМОН ВА ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА УНИНГ ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари мисолида)

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

УЎТ: 633.51+631.51.017/559

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Негматова Сурайё Тешаевна
Тақирсимон ва типик-бўз тупроқлар шароитида ғўза ҳосилдорлигини оширишда унинг қатор ораларига ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш
(Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари мисолида).....3

Негматова Сурайё Тешаевна
Совершенствование технологии междурядной обработки такыровидных и типичных сероземных почв для повышения урожайности хлопчатника.
(На примере Кашкадарьинской и Ташкентской областях).....27

Negmatova Surayyo Teshaevna
Developing of inter-row cultivation aimed in increase of the cotton yield in conditions of takyr and typical sierozem soils
(On Kashkadarya and Tashkent regions).....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published papers …….....….....….....55

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

НЕГМАТОВА СУРАЙЁ ТЕШАЕВНА

ТАҚИРСИМОН ВА ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА УНИНГ ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари мисолида)

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Qx.6. ракам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уругчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадкикот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Халиков Баходир Мейликович**
кишлок хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ўразматов Назир**
кишлок хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Орипов Раззок Орипович
кишлок хўжалиги фанлари доктори, профессор

Курбантоев Рахмонтой
кишлок хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уругчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадкикот институти хузуридаги DSc27.06.2017.Qx.42.01 ракамли илмий кенгашнинг «28» «09» 2018 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

Диссертация билан Пахта селекцияси, уругчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадкикот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№34 раками билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й ЎзПИТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2018 йил «15» 09 куни таркатилди.
(2018 йил «15» 09 даги №1 ракамли реестр баённомаси)

Ш.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш, кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг илғор агротехнологиялар асосида пахта етиштирувчи Америка Қўшма Штатлари, Хитой, Австралия, Исроил ва Бразилия каби мамлакатларида ғўза ҳосилдорлигини оширишда унинг қатор ораларига ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш кенг тарқалган бўлиб, ушбу агротехнология ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва пахта ҳосилдорлигини оширишдан ташқари тупроқ ҳайдов қатлами унумдорлигини ошириш, тупроқда сув инфильтрацияси ва уни сақлаш хусусиятларини яхшилаш ҳамда тупроқ аэрациясини мўътадил сақлашга қаратилган[1]. Шу туфайли, дунё мамлакатларида ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш долзарб йўналиш ҳисобланади.

Дунёнинг пахта етиштирувчи мамлакатларида ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг усуллари ва чуқурлигини аниқлаш ҳамда тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий хоссаларига ижобий таъсир этувчи тупроққа ишлов бериш усуллари йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилмоқда. Шунингдек, тупроққа чуқур ишлов беришни тупроқнинг иссиқлик режимига таъсирини ўрганиш, турли қатор оралиқларида парваришланаётган ўсимликлар қатор ораларига ишлов бериш чуқурлиги технологиясини замон талабларига мослаштириш мақсадида кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда ғўза қатор ораларига ишлов бериш ишчи органларини мақбул кенглик ва чуқурликда ўрнатиш, ғўзадан юқори ҳосил етиштиришни таъминловчи ресурс ва энергия тежамкор технологияларни такомиллаштириш бўйича мазкур илмий тадқиқот ишлари долзарб бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз пахтачилигида ресурстежовчи агротехнологияларни қўллаб пахтадан мўл ва сифатли ҳосил олиш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш орқали тупроқнинг турли қатламларида ишлов беришнинг мақбул чуқурлигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада мазкур агротехник тадбирни илмий, амалий аҳамиятини асослаб бериш ҳамда ишлаб чиқаришга амалий тавсиялар бериш пахтачилик соҳасининг ҳозирги кундаги долзарб масалалари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «...қишлоқ ва сув хўжалигини илм-фан ютуқларини жорий этиш асосида ривожлантириш, унинг экспорт салоҳияти самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири этиб белгилаб берилган бўлиб, мазкур вазифалар фаолиятимизда дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш чора

[1] http://journals.plos.org/plosone/article?id=10.1371/journal.pone.0167612

тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида”ги ПҚ-3281-сон қарори ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертация мазуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Ғўза ҳосилдорлигини оширишда қатор ораларига чуқур ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш йўналишида илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан. United States Department of Agriculture (АҚШ), Food and Agriculture Organization of the United Nations (ФАО), Mississippi State University (АҚШ), Agricultural Experiment Station, University of Arizona (АҚШ), Agrotechnical Research Institute Wageningen (Голландия), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Chinese Cotton Research Institute (Хитой), Australian Cotton Research Institute (Австралия)[2], Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ғўза қатор оралари, тупроққа турли усул ва чуқурликларда ишлов беришга оид дунёда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий хоссаларига ижобий таъсир этувчи тупроққа ишлов бериш усуллари ишлаб чиқилган (Mississippi State University (АҚШ)), Food and Agriculture Organization of the United Nations (ФАО)), ўсимлик илдизига зарар етказмасдан ишлаш учун ғўза қатор ораларига ишчи органларни мақбул кенглик ва чуқурликда ўрнатиш механизмлари ишлаб чиқилган (Agricultural Experiment Station, University of Arizona (АҚШ)), турли қатор оралиқларида парваришланаётан ўсимликлар қатор ораларига ишлов бериш чуқурлиги технологияси ишлаб чиқилган (Agrotechnical Research Institute Wageningen (Голландия)), тупроққа чуқур ишлов беришнинг тупроқнинг иссиқлик режимига таъсири ўрганилган (Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон)), плёнка остига чигит экилган майдонларда ғўза қатор орасига чуқур ишлов бериш тизими ишлаб чиқилган (Chinese Cotton Research Institute (Хитой)), тупроққа ишлов бериш жараёнларини тупроқнинг агрофизикавий хосса-хусусиятларига таъсири ўрганилган (Australian Cotton Research Institute (Австралия)).

Бугунги кунда дунёда тупроққа ва ғўза қатор ораларига ишлов бериш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг усуллари ва чуқурлигини аниқлаш;

[2]http://www.usda.gov/wps/portal/usda/usdahome; http://www.fao.org/home.en; http://www.msstate.edu; https://aes.cals.arizona.edu; http://www.wageningenur.nl/en/wageningen-university.htm;http://www.cicr.org.in;http://www.caas.cn/en; http://www.dpi/nsw.gov.au/content/research/centres/narrabri

тупроқнинг сув-физик хусусиятларини мақбуллаштиришда ресурстежамкор воситаларни қўллаш; тупроқда фойдали микроорганизмлар ва бактериялар фаоллигини яхшиловчи ресурстежамкор воситаларни қўллаш; ғўзадан юқори ҳосил етиштиришни шунингдек, чигитнинг мойдорлиги, толанинг технологик сифат кўрсаткичларини яхшилашни таъминловчи ресурс ва энергия тежамкор технологияларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроққа ишлов бериш, хусусан ғўза қатор ораларига ишлов бериш масаласи ҳар доим ҳам республикамиз олимларининг диққат эътиборида бўлган. Ўзбекистон пахтачилиги тарихида ғўза қатор ораларига ишлов бериш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари И.П.Кондратюк, М.Муҳаммаджонов, Қ.М.Мирзажонов, Ш.Н.Нурматов, А.Э.Авлиёқулов, С.Саидумаров, Ф.М.Хасанова, Г.Абдалова, К.Комилов ва бошқа олимлар томонидан ўтказилган. Қашқадарё вилоятининг суғориладиган тақирсимон тупроқлари шароитида Ш.Н.Нурматов, Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида С.Саидумаров, Ф.Хасанова, Г.Абдалова Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида Ш.Нурматов, К.Комиловлар томонидан ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг мақбул чуқурлиги ва сонини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Аммо, Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон ҳамда Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ғўза парваришида қатор ораларига чуқур ишлов беришнинг мақбул чуқурлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-007 ”Суғориладиган майдонларда тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ҳосил етиштиришда янги алмашлаб экиш тизимларини такомиллаштириш” (2012-2014 йй.) ва ҚХА-7-045-2015 ”Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида ер, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда пахтадан юқори ҳосил ва сифатли тола олиш мақсадида ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришнинг мақбул агротехнологиясини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон ҳамда Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришнинг мақбул чуқурлигини аниқлаш, тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий, микробиологик хоссаларига, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, вилт билан касалланиш даражаси, толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришни тупроқнинг агрокимёвий (чиринди, умумий азот, фосфор ва калий ҳамда нитратли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий) ва агрофизикавий (механик таркиби, солиштирма оғирлиги, ҳажм массаси, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги) хоссаларига таъсирини ўрганиш;

ғўза қатор ораларига турли чуқурликларда ишлов беришни тупроқдаги микроорганизм турлари миқдорини ўзгаришига таъсири ва мироорганизмларнинг фаоллигини аниқлаш;

турли тупроқ шароитларида ҳамда қатор кенгликларида ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришни ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш;

доимий ғўза ва кузги буғдой:ғўза қисқа навбатли алмашлаб экиш далаларида ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришни ғўзанинг илдиз тизими ривожланишига таъсирини аниқлаш;

доимий ғўза ва кузги буғдой:ғўза қисқа навбатли алмашлаб экиш далаларида турли қатор кенгликларида экилган ғўзага чуқур ишлов беришни ғўзанинг вилт касаллиги билан касалланишига таъсирини аниқлаш;

турли тупроқларда доимий ғўза ва қисқа навбатли кузги буғдой:ғўза алмашлаб экиш далаларида турли қатор кенгликларида экилган Бухоро-8 ва “Наврўз” ғўза навлари қатор ораларига чуқур ишлов беришни пахта ҳосилдорлиги ҳамда толасининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

олинган натижаларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлигини баҳолаш;

турли тупроқлар шароитида доимий ғўза ва қисқа навбатли алмашлаб экиш (1:1, кузги буғдой:ғўза) далаларида турли қатор кенгликларида экилган ғўзага чуқур ишлов беришни пахта етиштиришдаги самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон тупроқлар, қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлар, доимий ғўза экиладиган майдон, кузги буғдой:ғўза алмашлаб экиш даласи, 60 ва 90 см кенгликдаги ғўза қатор оралари, ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришда тупроқнинг турли (5 хил чуқурлик) қатламлари, ғўзанинг Бухоро-8 ва “Наврўз” навлари, ЧКН-1,8 чизель культиватори.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ғўза қатор ораларига тупроқнинг турли қатламларида чуқур ишлов беришни ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон ва қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий, микробиологик хоссаларига ҳамда ғўзанинг илдиз тизими, ўсиши ва ривожланиши, вилт билан зарарланиш даражаси, пахта ҳосили ва толасининг сифат кўрсаткичлари, иқтисодий самарадорликка таъсирини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилиб, бунда “Методы агрофизических исследований”; “Методы агрохимических анализов почв и растений”; “Методика агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых

районах”; “Методика Госсортоиспытания сельскохозяйственных культур”; “Методика проведения опытов с хлопчатником”; «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари»; «Методы почвенной микробиологии и биохимии» каби услубий қўлланмалардан ҳамда олинган маълумотларнинг ишончлилиги ва тажрибалардан олинган маълумотларга статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон тупроқлари шароитида доимий ғўза экиладиган ва қисқа навбатли (1:1) кузги буғдой:ғўза алмашлаб экиш тизимида ғўзанинг Бухоро-8 навини 90 см қатор кенглигида экиб, парваришлашда қатор ораларига турли чуқурликларда (18-20; 22-24; 26-28; 30-32 ва 34-36 см) ишлов беришнинг мақбул чуқурлиги ишлаб чиқилган;

ғўза қатор ораларига турли чуқурликларда ишлов беришнинг тупроқ агрокимёвий, агрофизикавий хоссалари ва микроорганизм турларига ҳамда уларнинг фаоллигига таъсири аниқланган;

ғўза қатор ораларига турли чуқурликларда ишлов беришнинг ғўза илдиз тизимига ҳамда ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсири аниқланган;

ғўза қатор ораларига турли чуқурликларда ишлов беришни ғўзанинг вилт билан касалланиш даражасига таъсири аниқланган;

қатор ораларига турли чуқурликларда ишлов беришнинг пахта ҳосилдорлигига ва толанинг сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли (1:1) кузги буғдой:ғўза алмашлаб экиш тизимида ғўзанинг “Наврўз” навини 60 см қатор кенглигида ғўза парваришлашда қатор ораларига турли чуқурликларда (18-20; 22-24; 26-28; 30-32 ва 34-36 см) чуқур ишлов беришнинг мақбул чуқурлиги ишлаб чиқилган;

ғўза қатор ораларига турли чуқурликларда ишлов беришнинг тупроқ агрокимёвий, агрофизикавий ҳамда микробиологик хоссаларига таъсири аниқланган;

ғўза қатор ораларига турли чуқурликларда ишлов беришнинг ғўзанинг ўсишига, ривожланишига, тупроқ қатламлари бўйича илдиз тизимини ривожланиши, ғўзани вилт билан касалланиш даражаси ҳамда пахта ҳосилдорлигига ва толанинг сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тупроқнинг сув-физик хоссаларини яхшилаш ва пахта ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ғўза қатор ораларига мақбул (26-28, 30-32 см) чуқур ишлов бериш чуқурликлари ишлаб чиқилган;

Ғўза ривожланишининг шоналаш даврида қатор ораларига 30-32 см чуқурликда чуқур ишлов берилганда тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир этиб, гумус миқдори 0,004% га, азот миқдори 0,007% га, фосфор миқдори эса 0,006% га юқори бўлганлиги исботланган;

Ғўза қатор оралари 30-32 см чуқурликда чуқур юмшатилганда тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида тупроқ ҳажм массаси 0,02-0,03 г/см^3

камайиб, ғоваклиги 2,0-2,1% га, сув ўтказувчанлиги 100-120 $м^3$/га га ошганлиги аниқланган;

Ғўза илдиз тизимининг жадал ривожланиши натижасида намлик ва озиқа моддалардан фойдаланиш самарадорлиги ошиб, қўшимча 4-5 ц/га пахта ҳосили олинганлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг аниқлик доираси уларни вариацион-статистик таҳлили маълумотларида ўз ифодасини топганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибадан олинган маълумотларнинг маҳаллий ва чет эл илмий нашрларда чоп эттирилиб, мутахассислар томонидан хулосалар берилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилиниб муҳокамалардан ўтганлиги, натижалар бўйича тавсия қилинган ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги мазкур ишнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илк бор Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон ҳамда Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ғўза қатор ораларини 26-28 см ва 30-32 см чуқурликларда чуқур юмшатишнинг самарадорлиги илмий асосланган. Тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий, микробиологик хоссалари, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, илдиз тизимининг жадал ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигини ортиши билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўза қатор ораларига мақбул чуқурликларда ишлов берилиши натижасида ерларнинг захи қочиб, минерал ўғитларни мақбул чуқурликда берилиши, суғориш сувларининг чуқур кириши, тупроққа иссиқлик, ҳавонинг яхши ўтиши ҳамда илдиз тизимининг соғлом ва бақувват ривожланганлиги натижасида ўсимлик тупроқдаги мавжуд озиқа ва намликлардан қўшимча фойдаланганлиги, суғориш ва қатор ораларига ишлов бериш сони нисбатан камайганлиги, пахта ҳосилдорлигини ошганлиги ва иқтисодий самарадорликка эришганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Ғўза қатор ораларига чуқур ишлов бериш усулини қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлардан олинган натижалар асосида:

Қашқадарё вилоятининг фермер хўжаликларига қўлланма сифатида «Ғўза парваришида қатор ораларига чуқур ишлов бериш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 01/023-63-сон маълумотномаси). Бу тавсиялар Қашқадарё вилоятининг пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Тошкент вилоятининг фермер хўжаликларига қўлланма сифатида «Ғўза парваришида қатор ораларига чуқур ишлов бериш бўйича тавсиялар» (Тошкент вилояти учун) ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 01/023-63-сон маълумотномаси). Мазкур тавсия Тошкент вилоятининг пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида фойдаланилмоқда;

Қашқадарё вилояти шароитида ғўза қатор ораларига чуқур ишлов бериш технологияси Касби, Нишон, Қарши, Муборак, Косон туманларининг 114050 гектар ва тоғ олди Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи, Қамаши, Ғузор туманларидаги пахтачилик фермер хўжаликларида 9000 гектар жами 123050 гектар майдонларда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 01/023-63-сон маълумотномаси). Ушбу усул жорий этилган фермер хўжаликларида қўшимча пахта ҳосили гектарига 4-6 центнерни ташкил этган;

Ғўза қатор ораларига чуқур ишлов бериш технологияси Тошкент вилоятининг Бўка туманида 336 гектар, Қўйичирчиқ туманида 230 гектар ва ПСУЕАИТИнинг тажриба хўжалигида 30 гектар жами 596 гектар майдонларда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 01/023-63-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқариш шароитида ушбу усулдан фойдаланиб, пахта етиштирган фермер хўжаликларида гектарига 4-5 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган, рентабеллик даражаси 16-18 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан кўрикдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Илмий тадқиқот натижалари бўйича ёзилган ҳисоботлар ҳар йили институтнинг Илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича жами 5 марта, шундан 3 марта республика ва 2 марта халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 2 та илмий тавсия чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 200 саҳифада ёзилган бўлиб, кириш, олтита боб, хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан, инновацион ғоя ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти илмий тилда ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, тупроққа чуқур ишлов бериш натижасида шудгор ости қатлами

бузилиб, тупроқнинг ғоваклилиги ортиши ва пировард натижада тупроқ зичлигини камайиши, бир йиллик бегона ўтларни 100 % гача йўқотишга эришиш, тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробилогик хусусиятларининг яхшиланиши ҳисобига ҳосилдорлик ортиши кўрсатиб ўтилган.

Ғўза қатор ораларига чуқур ишлов берилганда қаторларда юмшоқ тупроқ пайдо бўлиши, ерларнинг захи қочиб, минерал ўғитларни мақбул чуқурликда бериш имкониятлари пайдо бўлиши, суғориш сувлари чуқур сингиши, тупроққа иссиқлик, ҳаво яхши ўтиши, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши тезлашиши, илдиз тизимининг бақувват ривожланиши натижасида ҳосилдорлик 5-6 ц/га ортиши мумкинлиги изоҳланган.

Адабиётлар шарҳининг сўнгги саҳифаларида ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришнинг афзалликлари, жумладан, ғўза қатор ораларига чуқур ишлов бериш тупроқдаги намликни сақлаб, суғориш сувларини 15-20% гача иқтисод қилиш мумкинлиги, ёғингарчилик кам кузатиладиган ҳудудларда ўсимликлар қатор ораларига чуқур ишлов бериш ўсимликка бериладиган йиллик сув меъёрини 20%ини ўрнини босиши, толанинг технологик кўрсаткичлари яхшиланиши тўғрисидаги фикрлар баён қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиладиган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари »** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертация мавзуси бўйича тадқиқот ўтказилган жанубий худуд Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон тупроқлари унумдорлиги жиҳатидан чўл зонасидаги энг яхши тупроқлар ҳисобланиши, шунинг учун ҳам бундай ерлар сур тусли қўнғир, тақир қумли тупроқларга нисбатан кўп миқдорда ўзлаштирилганлиги, тақирсимон тупроқларда 0,4% дан 1,3% гача чиринди мавжудлиги, азот кам (0,020-0,050%), лекин ялпи фосфор (0,15%) ва айниқса калий (2%) кўплиги, тупроқнинг устки қатламларида фосфорнинг ҳаракатчан шакллари кўп бўлиши, тупроқ механик таркиби жиҳатидан ўртача қумоқлиги, сизоб сувларининг чуқурлиги 2-4 м оралиғида жойлашганлиги, минераллашиш даражаси 1,0-2,5 г/л ва ундан ҳам ортиқлиги, таркибида сульфат тузлари мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

Тошкент вилоятида ўтказилган тажриба даласининг тупроғи эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларнинг она жинси бир хилда ташкил топмаганлиги, ер ости (сизоб) сувлари 18-20 метр чуқурликда жойлашганлиги, типик бўз тупроқларда чиринди миқдори 0,6-1,2% ни, азот 0,08-0,1% ни, фосфор 0,2-0,3% ни ташкил этиши, фосфорли бирикмаларни эрувчанлик хусусияти тупроқнинг юқори карбонатлиги сабабли айтарли даражада эмаслиги, шунинг учун фосфорнинг миқдори тупроқда кўп бўлмасада, уни ўсимлик томонидан ўзлаштириш даражаси жуда пастлиги, типик бўз тупроқлар механик таркиби бўйича оғир қумоқли ва қумоқли ҳисобланиши, тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклилигининг пастлиги кўрсатиб ўтилган.

Қашқадарё вилоятнинг иқлими кескин ўзгарувчан, континентал ва шу билан бирга ёзи иссиқ, қиши анча совуқлиги, қишда шимолий Арктика совуқ ҳаво оқимлари келиб, ҳароратни анча пасайтириб юбориши, январь ойида

ўртача ҳаво ҳарорати 0°С дан +2°С га, қишда баъзан -15°С дан -25°С гача пасайиши, ёзи иссиқ ва қуруқ бўлиб, узоқ давом этиши, июль ойида ҳарорат кундуз кунлари баъзан +44°С дан +47°С гача кўтарилиши, йил давомида ёғингарчилик кунлари 58-60 кундан ошмаслиги, ҳароратнинг юқорилиги туфайли буғланиш миқдори йилига ёғингарчиликка нисбатан ўн баробар кўплиги, йилига ўртача 270 мм, айрим йиллари 310-320 мм, қурғоқчилик йиллари 100 мм ёғин тушиши, умуман олганда, Қашқадарё вилоятида тадқиқот ўтказилган 2015 йил қишининг серёғинлиги, ёзининг иссиқлиги, куз фаслининг нисбатан паст ҳароратлилиги, 2016 йил баҳорининг серёғинлиги, ёз ва куздаги иссиқ об-ҳаво ва 2017 йил эса сентябрдаги нисбатан паст ҳарорати билан характерланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида 2016-2017 йилларда кузатилган ҳаво ҳарорати бўйича олинган маълумотларга кўра, қиш ойларида ҳавонинг ҳарорати кўп йилликка нисбатан йилларга тегишли равишда 5,8-5,4^0 С га юқори бўлганлиги, баҳорнинг дастлабки ойида ҳам ҳавонинг ҳарорати ўртача 13,1-12,9^{0}С ни ташкил этиб, бу кўп йилликка нисбатан 5,2-4,9^{0}С га юқори бўлса, апрел ойига келиб ҳавонинг ҳарорати кўп йилликка яқин бўлганлиги кузатилиб, 16,4-15,3^{0}С ни ташкил этганлиги, май ойида ҳам ушбу ҳолат кузатилганлиги, тажриба ўтказиш мобайнида ҳавонинг ҳарорати кўп йилликка нисбатан июн ойида 1,3-1,0^{0}С, июл ойида 0,9-0,7^{0}С ва август ойида 2,1-1,9^{0}С юқори бўлганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш тизим ва услублари»** деб номланган учинчи бобида дала ва лаборатория шароитидаги илмий изланишлар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» қўлланмалари асосида олиб борилиб, ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг «Методы полевого опыта» услубий қўлланмаси асосида дисперсион таҳлилдан ўтказилганлиги қайд қилинган. Дала тажрибаларини бошлашдан аввал, яъни амал даври боши ва охирида тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, унда чиринди миқдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфорнинг миқдорлари А.П.Гриценко ва И.М.Мальцева, нитратли азот миқдори Гранвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калийни алангали фотометрда П.В.Протасов усулларида аниқланганлиги кўрсатилган.

Тажриба даласи тупроғининг сув-физик хоссалари ўзгаришини аниқлашда «Методы агрофизических исследований» қўлланмасидан фойдаланилган бўлиб, тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлиги С.И.Долгов усулида ҳамда тупроқнинг макроструктураси Н.И.Саввинов усулида, агрегатларнинг сувга чидамлилиги Г.И.Павлов усулида, қатор ораларига ишлов чуқурлиги В.П.Кондратюк усулида аниқланган.

Диссертация иш дастурига мувофиқ илмий изланишлар Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон тупроқларида иккита дала шароитида ва Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқларида битта дала шароитида олиб борилганлиги ва

кўрсатилган тизимлар бўйича ҳар бир тажриба даласида ўтказилган барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилиб, тадқиқотлар объекти сифатида олинган ғўзанинг Бухоро-8 ва “Наврўз” навлари, ЧКН-1,8 чизель культиватори тавсифи баён қилинган.

Диссертациянинг **«Доимий ғўза ва кузги буғдой:ғўза навбатлаб экиш далаларида тупроққа чуқур ишлов беришнинг унинг агрокимёвий, агрофизикавий ва микробиологик хоссаларига таъсири»** деб номланган тўртинчи бобида Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон ва Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришнинг тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хоссаларига бўлган таъсири, тупроқ агрофизикавий хоссалари билан ҳосилдорлик ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар ёритиб берилган.

Қашқадарё вилоятининг (2013 й.) ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон тупроқларида ўтказилган тажриба маълумотларига кўра, доимий ғўза экилган даланинг 0-30 ва 30-50 см. қатламларида гумус миқдори тегишлича 0,825; 0,726%, умумий азот миқдори 0,098; 0,076 %, фосфор миқдори 0,157; 141%ни ташкил этгани, амал даври охирида эса ҳайдов қатлами таркибида гумус 0,820-0,827%, умумий азот 0,091-0,100%, умумий фосфор 0,152-0,158% оралиғида бўлганлиги, шунингдек, ушбу кўрсаткичлар тажрибанинг алмашлаб экиш даласида гумус миқдори 0,004% га, нитратли азот миқдори 0,007% га, ҳаракатчан фосфор миқдори 0,012% га кўп бўлганлиги ёки ҳар иккала дала шароитида ҳам ғўза қатор ораларига 30-32 ва 34-36 см. чуқурликда ишлов берилган вариантларда (5, 6, 11, 12-вариантлар) тупроқдаги озиқа моддаларнинг, хусусан гумуснинг миқдори назоратга нисбатан 0,004-0,005%га, азотнинг миқдори 0,007-0,014%га, ҳаракатчан фосфор миқдори эса 0,006-0,009% га юқори бўлганлиги қайд этилган.

Тупроқлардаги озиқа моддаларнинг ҳаракатчан шакллари бўйича тажрибанинг дастлабки, 2013 йилда олинган маълумотларга кўра, тупроқнинг 0-30 см. ҳайдов қатламида нитратли азотнинг дастлабки миқдори 10,85 мг/кг, ҳайдов ости қатламида 8,43 мг/кг, ҳаракатчан фосфор миқдори тегишлича 16,4 ва 15,4 мг/кг, алмашинувчи калий миқдори эса 172 ва 158 мг/кг бўлганлиги, амал даври охирида, доимий ғўза парвариш қилинган вариантда (0-30 см) нитратли азот миқдори тажрибанинг 5 ва 6-вариантларида тегишлича 16,73; 16,78 мг/кг, ҳаракатчан фосфор миқдори 13,5; 13,9 мг/кг, алмашинувчи калий 156; 152 мг/кгни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичлар тажрибанинг 1, 3 ва 4-вариантларидан нитратли азот миқдорини тегишлича 3,2-5,5 мг/кг, ҳаракатчан фосфорни 0,2-0,4 мг/кг ва алмашинувчи калийни 4-6 мг/кг га кам бўлиши ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурлигини ортиши натижасида тупроқ таркибидаги озиқа элементларини нисбатан кўп миқдорда ўзлаштирилиши билан изоҳланган (1-расм).

Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқларининг дастлабки таҳлилларига кўра, тупроқдаги гумус миқдори ҳайдов қатламида 0,840%, нитратли азот миқдори 0,070%, ҳаракатчан фосфор миқдори 0,171%, тупроқдаги озиқа моддаларнинг ҳаракатчан шакллари, нитратли азот миқдори

2,0; ҳаракатчан фосфор миқдори 38,7; алмашинувчи калий миқдори 221 мг/кг ни, амал даври охирида эса тажрибанинг 1-вариантида тупроқнинг ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,834% ни, азот миқдори 0,062% ни, фосфор миқдори 0,164% ни, тажрибанинг 5 ва 6-вариантларида гумус миқдори дастлабки миқдорга яқин бўлиб, деярли ўзгаришлар кузатилмаганлиги, аммо азот миқдорини 0,002-0,003% га, фосфор миқдорини 0,003-0,004% га камайганлиги баён этилган.



1-расм. Тажриба даласи тупроғининг ҳаракатчан шаклдаги озиқа моддалар миқдори, мг/кг (Қашқадарё вилояти, ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон тупроқлар, 2013 йил, амал даври боши ҳамда охирида).

Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон тупроқлари шароитида доимий ғўза экилган майдонда амал даври бошида тупроқнинг 0-5 см қатламида 10 мм дан катта бўлган тупроқ макроагрегат зарралари 35,01%, 10-0,25 мм гача бўлганлари 62,74%, 0,25 мм дан кичик бўлган тупроқ зарралари 2,25 % ни, алмашлаб экиш даласида шунга мутаносиб 48,19; 46,98; ва 48,35 % ни ташкил этиши, турли қатламларда чуқур ишлов бериш натижасида тупроқ ҳайдов қатламида макроагрегатлар миқдорининг маълум даражада ўзгариши кузатилиб, 10-0,25 мм бўлган агрегатларнинг миқдори (тупроқнинг 20-30 см ли қатламида) назорат вариантда 65,66 % ни, 22-24 см чуқур ишлов берилган 3-вариантда 73,10 % ни, 26-28 см чуқур ишлов берилган 4-вариантда 78,53 % ни, 30-32 см чуқур ишлов берилган 5-вариантда 73,68 % ни, 34-36 см. чуқур ишлов берилган 6-вариантда эса 75, 31 % ни ташкил этиб, энг яхши натижа ғўза қатор ораларига 26-28 см чуқур ишлов берилган 4-вариантда кузатилиб, назорат вариантига нисбатан агрономик қимматли агрегатлар миқдори 12,87% га ошганлиги баён қилинган.

Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида олинган маълумотларга кўра, тажриба даласини 0-30 см қатламида ҳажми 10-0,25 мм бўлган агрегатлар сони амал даври бошида 39,65% ни, 30-50 см да эса 41,57% ни ва амал даври охирида тажрибанинг 3, 4, 5 ва 6-

вариантларида қатламлар бўйича тегишлича 47,92-49,60% ва 41,63-54,77% ни ташкил этиб, ишлов чуқурлигини ошиб бориши билан агрономик қимматли агрегатлар миқдори назоратга нисбатан 0-30 см ли қатламларда 8-9 % га ошиб, унинг донадорлигининг яхшиланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тупроқнинг ҳажм массаси бўйича олинган маълумотларга кўра, Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон тупроқлари шароитида доимий ғўза экилган вариантларда амал даври бошида тупроқнинг 0-30 см қатламида ҳажм масса ўртача 1,33 г/см^3 ни, 30-50 см қатламида 1,42 г/см^3 ни, кузги буғдой:ғўза экилган далада эса ҳажм массаси мутаносиб равишда қатламлар бўйича (0-30 ва 30-50 см да) ўртача 1,31 ва 1,39 г/см^3 ни ташкил этган.



2-расм. Ғўза қатор орасига чуқур ишлов беришни тупроқнинг хажм массасига таъсири, г/см^3 (Қашқадарё вилояти, ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон тупроқлар, 0-30 см, 2013 йил)

Ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришдан олдин (шоналаш даврида) тупроқнинг ҳажм массаси дастлабки кўрсаткичларга нисбатан вариантлар бўйича 0,03-0,04 г/см^3 га ошганлиги, ҳажм массанинг ортишини асосий сабаби далани экишга тайёрлаш, пушта олиш, экиш ва 1-ва 2-культивацияларда техниканинг бир неча марта кириши натижаси деб баҳоланган. Ғўза қатор ораларига чуқур ишлов берилгандан кейин (шоналаш даврида) тупроқ ҳажм массаси вариантлар бўйича 0-30 см да 1,31-1,35 г/см^3 ни, 30-50 см да эса 1,40-1,42 г/см^3 ни ташкил этиб, ҳажм масса чуқур ишлов берилмасдан олдинги ҳолатига нисбатан 0,02-0,03 г/см^{3}га яхшиланганлиги, энг яхши натижа ғўза қатор ораларига 30-32 см чуқур ишлов берилган 5-вариантда кузатилган. Амал даври охирида олинган маълумотларга кўра, ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурлигини ошиб бориши билан тупроқ ҳажм массаси назорат вариантига нисбатан камайиб бориб, энг яхши натижа ғўза қатор ораларига 30-32 см чуқурликда ишлов берилган 5-вариантда кузатилиб, назорат вариантга нисбатан 0,03 г/см^{3}га камайганлиги аниқланган (2-расм).

Тупроқнинг ғоваклилиги бўйича олинган маълумотларга кўра, кузги буғдой:ғўза экилган майдонларда тупроқ ғоваклилигининг дастлабки

кўрсаткичлари 0-30 см да 49,2 % ни, 30-50 см да эса 46,5% ни ташкил этган бўлса, ғўза қатор ораларига чуқур ишлов берилмасдан олдин (шоналаш даврида) ғоваклилик вариантлар бўйича дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ҳайдов қатламда 0,7-1,5 % га камайганлиги, чуқур ишлов берилгандан кейин эса (шоналаш даврида) 48,1-49,6% ни ташкил этиб, 1,1% гача тупроқ ғоваклиги яхшиланганлиги, энг яхши натижа 30-32 см. чуқур ишлов берилган 5-вариантда кузатилиб, тупроқ ғоваклиги (49,6%) назорат вариантига нисбатан 1,5 % га яхшиланганлиги аниқланган (3-расм).



3-расм. Ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришни тупроқнинг ғоваклигига таъсири. Алмашлаб экиш даласи (Қашқадарё вилояти, ўтлоқилашиб бораётган суғориладиган тақирсимон тупроқлар, 0-30 см, 2013 йил)

Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида тупроқ ҳажм массаси дастлабки кўрсаткичлари ҳайдов қатламида 1,28 г/см^3 ни, ҳайдов ости қатламида 1,38 г/см^3 ни ташкил этанлиги, чуқур ишлов беришдан олдин (шоналаш даврида) техникаларнинг бир неча марта далага кириши натижасида тупроқнинг ҳажм массаси вариантлар бўйича 0-30 см да дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 0,04-0,05 г/см^{3}га ошганлиги, чуқур ишлов берилгандан кейин эса чуқур ишлов беришдан олдинги кўрсаткичга нисбатан 0,03-0,05 г/см^3 га камайганлиги кузатилган. Энг яхши натижа ғўза қатор ораларига 30-32 см чуқур ишлов берилган 5-вариантда кузатилиб, назорат вариантига нисбатан ҳажм масса 0,05 г/см^3 га камайган.

Тупроқнинг ғоваклилиги бўйича дастлабки кўрсаткичлар 0-30 см да 52,6 %, 30-50 см да эса 48,8% ни ташкил этган. Чуқур ишлов беришдан олдин тупроқ ғоваклилиги дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ҳайдов қатламида 1,5-2,2% га, ҳайдов ости қатламида эса 1,0-1,4% га камайган. Чуқур ишлов бергандан кейин эса вариантлар бўйича тупроқ ғоваклиги 0-30 см да 51,1-52,2%, 30-50 см да эса 48,1-48,5% ни ташкил этиб, 0,5-1,1% гача яхшилангани кузатилган. Ғўза қатор ораларига 30-32 см қатламда чуқур ишлов берилган 5-вариантда, ҳайдов қатламида 52,2% ни ташкил этиб, назорат вариантига нисбатан 1,1% га яхшиланганлиги аниқланган.

Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон тупроқлари шароитида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги бўйича олинган (2013 й.) дастлабки маълумотларга кўра, доимий ғўза экиб келинган далада сув ўтказувчанлик 1 соатда 360,4м^3/га ни, 6 соатда эса 851,3 м^3/гани, алмашлаб экиш 1:1 (кузги буғдой:ғўза) даласида эса 1 соатда 383,2 м^3/га, 6 соатда 884,5 м^3/га бўлганлиги аниқланган. Чуқур ишлов беришдан олдин тупроқнинг сув ўтказиш қобилияти ёмонлашганлиги, бунда вариантлар бўйича 1 соатда 290,2-311,6 м^3/га, 6 соатда эса 762,5-810,4 м^3/гани ташкил этиб, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 1 соатда 50-70 м^3/га, 6 соатда 40-90 м^3/га кам сув ўтказганлиги кузатилган. Чуқур ишлов берилгандан сўнг тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ишлов берилмаган даврдаги кўрсаткичга нисбатан 40-60 м^3/га кўп сув ўтказганлиги аниқланган.



4-расм. Тупроқ сув ўтказувчанлигини ҳосилдорликга корреляцион боғлиқлиги (Тошкент вилояти, қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлар, 2016 й.)

Доимий ғўза экилган майдоннинг назорат вариантида сув ўтказувчанлик жами 6 соатда 770,0 м^3/гани, алмашлаб экиш даласида 778,3 м^3/га ни ташкил этган. Энг юқори натижа ишлов чуқурлиги 30-32 см. бўлган доимий ғўза экилган даланинг 5- ва алмашлаб экиш даласининг 11-вариантларида кузатилиб, назорат вариантига нисбатан тегишлича 100; 110 м^3/га сувни кўп ўтказганлиги кузатилган.

Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида сув ўтказувчанлик бўйича олинган дастлабки маълумотларга кўра, 1 соатда 413,4 м^3/га ни ташкил қилган бўлса, 6-соатда 790,2 м^3/га бўлганлиги аниқланган. Чуқур ишлов беришдан олдин ушбу кўрсаткич вариантлар бўйича 1 соатда 375,4-380,5 м^3/га, 6-соатда 710,5-720,8 м^3/га ни ташкил қилиб, дастлабки кўрсаткичга нисбатан 35-70 м^3/га сувни кам ўтказган. Ғўза қатор ораларига чуқур ишлов ўтказилгандан кейин сув ўтказувчанлик вариантлар бўйича 50-60 м^3/га га ошганлиги кузатилган. Энг юқори натижа ғўза қатор ораларига 30-32 см чуқур ишлов берилган 5-вариантда кузатилиб, назоратга нисбатан 57 м^3/га кўп сув ўтказганлиги, тупроқ сув ўтказувчанлиги билан

ҳосилдорлик ўртасида ўрта даражада корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланиб, детерминация коэффициенти
R^2 = 0,460 аниқланган (4-расм).

1-жадвал

Қатор орасига чуқур ишлов беришни тупроқнинг агрофизикавий кўрсаткичларига ҳамда ғўза ҳосилдорлигига корреляцион боғлиқлиги

Ишлов чуқурлиги, см	Тупроқ ҳажм массаси, г/см^3	Тупроқ ғоваклилиги, %	Тупроқ сув ўтказувчанлик, м^3/га	Ҳосилдорлик, ц/га
	Доимий ғўза			
назорат	1,36	47,7	770	35,6
18-20	1,35	48,1	784,4	37,0
22-24	1,34	48,5	801,7	36,9
26-28	1,33	48,8	823,3	39,6
30-32	1,32	49,2	847,4	40,4
34-36	1,32	49,2	830,6	38,7
коррел 1-5	r = -0,98198	r = 0,981175	r = 0,933634	r = 0,828819
коррел 1-5		r = -0,99918	r = -0,98201	r = -0,90495
коррел 2-5			r = 0,979096	r = 0,894458
коррел 3-5				r = 0,9517
	кузги буғдой:ғўза			
назорат	1,35	48,1	293,2	36,8
18-20	1,34	48,5	311,2	37,3
22-24	1,34	48,5	332,0	39,1
26-28	1,32	49,2	342,7	39,7
30-32	1,31	49,6	360,4	41,9
34-36	1,32	49,2	352,0	38,7
коррел 1-5	r = -0,89709	r = 0,893487	r = 0,946955	r = 0,699266
коррел 1-5		r = -0,99948	r = -0,94003	r = -0,86211
коррел 2-5			r = 0,943149	r = 0,871617
коррел 3-5				r = 0,876999

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган, суғориладиган тақирсимон тупроқларида 2013 йилда кузги буғдой:ғўза алмашлаб экиш даласида ўтказилган тажрибада ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришни тупроқнинг агрофизикавий хоссалари ва ғўза ҳосилдорлиги орасида корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланиб, ишлов чуқурлиги билан ҳажм масса ўртасида кучли тескари (r = -0,89709), ишлов чуқурлиги билан ғоваклилик ва сув ўтказувчанлик ўртасида кучли тўғри (r = 0,893487, r = 0,946955) ва ишлов чуқурлиги билан ҳосилдорлик ўртасида ўртача тўғри (r = 0,699266) корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланган (1-жадвал).

Тупроқдаги микроорганизмларнинг фаолияти бўйича олинган маълумотларга кўра, алмашлаб экиш даласида ғўза қатор ораларига ишлов бериш, ишлов беришда унинг чуқурлигини ошириб бориш тупроқдаги олигонитрофил ва микромицет микроорганизмлар миқдорини кўпайишига сабаб бўлиб, бу эса таркибида углерод сақлаётган органик бирикмаларнинг кўпроқ тўпланишига, аммонификатор ва фосфор парчаловчи микроорганизмлар

миқдорини камайиши эса таркибида азот сақлайдиган бирикмаларни камроқ йўқолишига замин яратишига, бу эса тупроқда ғўза учун зарур бўлган озиқа моддаларининг беҳуда исроф бўлишининг олдини олиб, ўсимликни озиқа моддалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга олиб келиши қайд этилган (2-жадвал).

2-жадвал

Тажриба даласи тупроғи таркибидаги микроорганизмлар миқдори, КОЕ/г (Тошкент вилояти, типик бўз тупроқлар, 2017 й.)

Тупроқдаги микроорганизмлар	Тупроқ қатлами, см	Амал даври бошида	Амал даври охирида					
			1-вариант	2-вариант	3-вариант	4-вариант	5-вариант	6-вариант
Аммонификаторлар	0-30 см	$4,5x10^7$	$1,9x10^8$	$1,3x10^8$	$1,0x10^8$	$1,1x10^8$	$3,7x10^7$	$4,5x10^8$
Фосфор парчаловчи	0-30 см	$2,2x10^6$	$3,7x10^7$	$5,9x10^6$	$4,3x10^7$	$2,1x10^8$	$2,7x10^7$	$2,2x10^8$
Олигонитрофиллар	0-30 см	$3,1x10^6$	$4,5x10^6$	$5,6x10^6$	$6,3x10^6$	$3,8x10^6$	$9,3x10^6$	$7,8x10^7$
Микромицетлар	0-30 см	$2,0x10^5$	$7,5x10^3$	$3,7x10^4$	$4,5x10^4$	$7,5x10^3$	$7,5x10^3$	$5,2x10^4$
Актиномицетлар	0-30 см	$3,1x10^5$	$4,5x10^4$	$1,5x10^4$	$7,5x10^3$	$7,5x10^3$	$3,0x10^4$	$7,5x10^3$

Диссертациянинг **«Доимий ғўза ва кузги буғдой:ғўза навбатлаб экиш далаларида ғўзага чуқур ишлов беришнинг ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тола сифатига таъсири»** деб номланган бешинчи бобида ғўза қатор ораларига турли чуқурликларда чуқур ишлов беришни ғўзанинг кўчат қалинлигига, ўсиши, ривожланишига, илдиз тизимининг ривожланишига, ҳосилдорлигига ва тола сифатига таъсири ўрганилган.

